



## АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

*и.ф.д., проф., Шадиева Гулнора Мардиевна*  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ORCID: 0000-0001-7078-8815  
[gulnora.shodiyeva@mail.ru](mailto:gulnora.shodiyeva@mail.ru)

*Мирхонов Мирфоилжон Олимжон ўғли*  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ORCID: 0009-0004-1330-510X  
[mirxonovmirfoziljon@gmail.com](mailto:mirxonovmirfoziljon@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада замонавий иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантиришда аутсорсинг хизматларини такомиллаштиришнинг афзалликлари ва самарали жиҳатларига алоҳида урғу берилган. Аутсорсинг компаниялари учун юқори тезликдаги интернет ва киберхавфсизлик хизматларининг арзонлаштирилишини қўллаб-қувватлаш орқали ушбу хизмат турларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** аутсорсинг хизматлари, иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш, самарали ресурс, харажатларни камайтираш, фойда иқтисодиёт ривожси.

## ВАЖНОСТЬ АУТСОРСИНГА УСЛУГ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

*д.э.н., проф., Шадиева Гулнора Мардиевна.*  
Самаркандский институт экономики и сервиса  
*Мирхонова Мирфоилжона Олимжой угли*  
Самаркандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** В статье рассматриваются преимущества и эффективные аспекты совершенствования аутсорсинговых услуг в развитии сферы услуг в современной экономике. Даны предложения и рекомендации по развитию данных видов услуг за счёт поддержки низкой стоимости высокоскоростного интернета и услуг кибербезопасности для аутсорсинговых компаний.

**Ключевые слова:** аутсорсинговые услуги, экономическая эффективность, предоставление услуг, эффективный ресурс, снижение затрат, развитие экономики прибы ли.

## THE IMPORTANCE OF OUTSOURCING SERVICES IN INCREASING THE EFFICIENCY AND COMPETITIVENESS OF THE COUNTRY'S ECONOMY

Doctor of Economics, Professor, **Shadieva Gulnora Mardiyevna.**  
Samarkand Institute of Economics and Service  
**Mirkhonov Mirfojljon Olimjon ugli**  
Samarkand Institute of Economics and Service

**Abstract.** This article examines the advantages and effective aspects of improving outsourcing services in the development of the service sector in the modern economy. Proposals and recommendations are provided for developing these types of services by supporting low-cost high-speed internet and cybersecurity services for outsourcing companies.

**Key words:** outsourcing services, economic efficiency, service provision, efficient resource, cost reduction, development of profit economy.

### Кириш.

Бугунги глобаллашув жараёнларнинг шиддат билан кириб келиши натижасида бутун дунёда иқтисодий ривожлантиришда илғор технологиялар ва инновацияларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу хизмат турларининг ривожланиши аввало, рақамли технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнлари, бизнес тизими самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг янги технологиялар инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларига кириб бориши билан анъанавий ёндашувлар ва иш услублари ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Замонавий иқтисодий ривожда давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий тизимлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш натижадорликни ошириш, жамият тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистонда давлат секторига аутсорсинг фаолиятини олиб боришда ҳуқуқий асослар яратилиб келинмоқда. Бунга таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятининг бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш асосий вазифа қилиб белгиланганлигидан келиб чиққан ҳолда бу ва бошқа соҳалар мисолида аутсорсингнинг давлат секторига қўллашнинг афзалликларига тўхталиб ўтилади.

Аутсорсингнинг давлат секторига қўллашда ижтимоий хизмат даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик чоралари кўрилади, инсон учун ўта муҳим, юқори калорияли озиқ-овқат истеъмоли таркиби такомиллаштирилади, инсон генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш ратсиони бўйича амалдаги меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Бундан бир неча йиллар илгари «outsourcing» механизми фақат хусусий секторда фойдаланилган бўлса, бугунги кунда бюджет ташкилотларида ҳам ижтимоий хизмат кўрсатишда «outsourcing»дан унумли фойдаланилмоқда.

Аутсорсинг (outsourcing) – ташкилотнинг у ёки ёки функцияларини шу фаолиятни олиб боришга ихтисослашган ташқи ижро этувчиларга беришдир. Бошқача қилиб айтганда, аутсорсинг деганда, давлат секторининг нодавлат сектордан товарлар, ишлар ва хизматлар сотиб олишининг умумий ҳажми тушунилади.

Ўзбекистонда хусусий секторда яхши тажрибадан ўтган замонавий механизм ва услубларни бюджет хизмати кўрсатилаётган ижтимоий соҳаларда қўлланиши, давлат секторига аутсорсинг усулини жорий этишда харажатларнинг тежалиши ва хизмат сифати яхшиланишининг муҳим аҳамиятга эгалиги, давлат сектори муассасаларида мисол учун соғлом ратсионал ва хавфсиз овқатланишни ташкил этилишини такомиллаштириш, кейтринг (юқори даражада умумий овқатланиш),

уларнинг комбинатлари каби замонавий усуллардан фойдаланилиш, аутсорсер билан давлат муассасалари ўртасида аутсорсингга оид шартномалар тузилишига ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, ижтимоий соҳада аутсорсинг асосида харажатларнинг натижадорлиги аутсорсингдан фойдаланишнинг афзалликлари бўлиб ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Классик иқтисодчилардан Маркс (2023) ўзининг “Капитал” асарининг биринчи томида хизматларга қуйидагича таъриф беради: “хизматлар – бу товар ёки меҳнатнинг истеъмол қийматини у ёки бу кўринишидаги фойдалилик (нафлилик) ҳаракатидан бошқа нарса эмас”.

Райзберг, Лозовский, Стародубсевалар (2007) замонавий иқтисодий луғатда аутсорсингга “...ташкilotнинг анъанавий асосий бўлмаган функцияларини... ташқи ижрочиларга ўтказиш...” деб таъриф беришган.

Тадқиқотчи мутахассис Ивлев (2021) томонидан аутсорсинг шундай таърифланади: “... бу “сифат-харажат-эгаллик” параметрлари асосида бизнес тизимининг конфигурациясини оптималлаштирадиган ташкилий қарор; “...аутсорсинг – бу томондан қарз олиш”. Ушбу олим ўз таърифида ўзгача ёндошувни олға сурган бўлиб, у хизматларни қарз сифатида номоён қилмоқда.

Борзунова (2009) аутсорсингга қуйидагича таъриф келтиради: “Аутсорсинг – бу корхонанинг асосий фаолият йўналишларига диққат эътиборни кучайтириши учун иккинчи даражали вазибаларни бажарилишини бошқа махсуслаштирилган фирмаларга шартнома асосида топширилишидир”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур илмий мақолада билиш назариясининг мантиқий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик кўзатиш каби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Аутсорсинг хизматлари бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожига муҳим ўринлардан бирини эгалламоқда. Аутсорсинг хизматлари мамлакат иқтисодиётининг самарали ва рақобатбардош бўлишида алоҳида муҳим аҳамият касб этиш билан биргаликда қуйидаги йўналишларда фаоллик касб этмоқда. Ушбу йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади (1-расм).

#### **1. Иқтисодий самарадорликни ошириш**

➤ Аутсорсинг хизматларни ташқарига олиб чиқиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хусусийлигини кучайтириш;

➤ Самарали ресурс тақсиротини таъминлаш;

➤ Харажатларни камайтираш ва фойда фоизларини ошириш.

#### **2. Иқтисодиёт ривожининг мобилизацияси**

➤ Илғор технологиялар ва инновациялар олдига чиқиш;

➤ Умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ва сифатини ошириш.

#### **3. Бозорнинг ривожланиши ва рақобатдошлик**

➤ Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

➤ Миллий компанияларни халқаро бозорга чиқариш имконияти яратиш;

➤ Ёндош соҳаларда ишлаб чиқаришнинг янги мукамал модели.



1-расм. Аутсорсинг хизматларининг иқтисодиётдаги ўрни

4. Малакали кадрлар ва мутахассисларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ривожини

- Мутахассислар малакавий даражасини ошириш ва янги билимларга эга бўлишга имкон яратиш;
- Ижодий ва инновацион ёндошувларни рағбатлантириш.

5. Маркетинг ва сервис соҳасининг ривожини

- Халқаро мижозлар базасини кенгайтириш;
- Сотиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.
- Яхши моҳиятда таҳлил

Аутсорсинг хизматлари мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар асосий тезликда ривожланишини таъминлайди. Бу бўйича давлат сиёсати, қонунчилик муҳити ва бизнес муҳити қўллаб-қувватласа, мамлакат иқтисодиёти пучакка чиқиши мумкин.

Аутсорсинг хизматлари иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда, инновацияларни жорий этишда ҳамда ёшлар ва мутахассислар ривожланишига хизмат қиладиган важиб механизм ҳисобланади. У мамлакатнинг умумий иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиришда асосий ўрин тутаяди.

Аутсорсинг хизматлари иқтисодиёт ривожига таъсири. Иқтисодиётда баъзи муҳим ва кўп кўрилувчи таъсирлар мавжуд. Улар иқтисодий ўсиш, барқарорлик, иш ўринлари ва рақобатбардонлик каби соҳаларга таъсир кўрсатади. Қуйида уларнинг асосийлари:

Асосий таъсирлар

1. Иқтисодий ўсишга ёрдам - молиявий ва замонавий имкониятларни ривожлантириш орқали ўзлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади. Мамлакат иқтисодиётининг ўсишида инновациялар, илғор технологиялар ва инвестициялар асосий ўрин тутаяди.

2. Бозорнинг кенгайиши - Ярдамчи маҳсулот ва хизматлар билан бозорлар кенгайади. Мижозлар сони ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ошади.

3. Иш ўринларининг яратилиши - Корхоналар ва давлат томонидан иш ўринлари кўпаяди. Халқаро ва маҳаллий иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланади.

4. Инфляция ва нархлар - Иқтисодий фаолиятнинг кўпайиши қачон ва қайси даражада инфляцияни ошириш ёки камайтириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Барқарорликни сақлаш учун давлат ва бозорлар ўртасида мувофаққатлик керак.

5. Ижтимоий таъсирлар - Иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни ёки фарқларини ошириш ёки йўқотиш имкониятини беради. Ўрта ва паст даромадли гуруҳлар эҳтиёжларини қондириш зарурлиги туғилади.

6. Давлат маблағлари ва солиқлар - Давлат орқали сармоялаш ва ижтимоий дастурлар амалга оширилади. Солиқлар ва бошқа иқтисодий ғояларнинг назарий ва амалий таъсири бўлади.

### Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодий соҳада таъсирлар кўп ва мураккаб. Уларнинг самарали бошқарилиши мамлакатнинг умумий ривожланиши учун муҳим бўлиб, бу соҳадаги сиёсатлар ва қарорлар таъкидланган бўлиши керак. Аутсорсинг хизматларини ривожлантиришдаги қўйидаги вазифаларни бажариш муҳим аҳамит касб этади.

- Дата-марказлар, аутсорсинг хизматлари ва масофавий ишлаш платформаларини ривожлантириш.

- Худудларда аутсорсинг технопарклари (outsourcing hubs) ташкил этиш.

- Аутсорсинг компаниялари учун юқори тезликдаги интернет ва киберхавфсизлик хизматларининг арзонлаштирилишини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу вазифалар тизимли ва босқичма-босқич ривожлантирилса уйлаймиз-ки, ушбу хизмат турининг ривожланиши кутилган натижаларни олиб келади.

### Адабиётлар/Литература/References:

Fayziyev E.S. (2007). *Servis tizimi faoliyati asoslari. Ma'ruzalar matni. Samarqand. 11-bet.*

Ojegov S.I. i. Dr. *Gramaticheskij (1991). slovar russkogo yazka. -M.: Russkiy yazk. -432str.*

Kotler F. (1992). *Osnov marketinga. M. Progress. 1992.-734s.*

Makkonnell K.R., Bryu S.L., (1993). *Ekonomiks-Prinsip, problem i politika. /V 2 -x tomax. Per.s ang. -Tallin. Rimol. T.: 1. -398s.*

Marks K., (2023). *Kapital. // Marko K., Engles F. Soch. -2-ye izd. -M.: T. 23. -908 s.*

Rayzberg, B.A. (2007) *Sovremenny ekonomicheskij slovar. 5-ye izd., pererab. I dop./B.A.Rayzberg, L.Sh.Lofovskiy, Ye.B.Starodubseva. -M.: INFRA-M., -495 s.*

Ivlev, A. (2021) *10 klyuchevx voprosov autsorsinga / Ivlev A. -Rejimdostupa: [https://up-pro.ru/library/strategi/outsourcing/10\\_key\\_quest/](https://up-pro.ru/library/strategi/outsourcing/10_key_quest/)*

Райзберг, Б.А. (2007) *Современный экономический словарь. 5-е изд., перераб. И доп./ Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева. -М.: ИНФРА-М., -495 с.*

Ивлеv, А. (2021) *10 ключевых вопросов аутсорсинга / Ивлеv А. [Электронный ресурс]. -Режимдоступа: [https://up-pro.ru/library/strategi/outsourcing/10\\_key\\_quest/](https://up-pro.ru/library/strategi/outsourcing/10_key_quest/)*

Борзунова О. (2009). *Перекладываем работу на чужие плечи: договор аутсорсинга //Кадровая служба и управление персоналом предприятия. № 11.*